



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ҚАРОРИ

## МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда она юртимиз, Ўзбекистонимизнинг жадал тараққий этиб, барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритаётганини, диёри-мизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта, фаровон ҳаётни, файз ва кутбаракани халқимиз авваломбор Яратганимизнинг чексиз марҳамати сифатида шукроналик ва розилик билан қабул қилмоқда.

Шу борада эл-юртимиз учун эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга мансуб олижаноб фазилатларни, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2016 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 6 июнь кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга мос ва уйғун тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муқаддас Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз арконларини эъозлаш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни ўзаро яхшилик қилишга, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват қилишга қаратилган кенг қўламли савобли амаллар ва тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу кўтлуг ойда эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг муқаддас зиёратгоҳларини ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокomпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2016 йил 1 июнь

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



## Депутатлар Давлат бюджетининг ижросини кўриб чиқди

1 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ва 2016 йилнинг биринчи чорадаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди.

Мажлисида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, соҳа экспертлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ҳисобот давридаги ижроси яқинда қабул қилинган «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, олдиндан барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида, қуйи палатанинг бир қатор кўмиталарида ҳукумат вакиллари, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар раҳбарлари иштирокда муҳокама этилди. Муҳокама ўтказилишидан олдин қўшимча

материаллар ва маълумотлар сураб олинди ҳамда мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижро этилиши механизмининг янада такомиллаштиришга қаратилган талай амалий тақлифлар билдирилди.

Куннинг биринчи ярмида депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ижросини кўриб чиқди. Мазкур масала юзасидан молия вазири Р.Азиев маъруза килди, қўшимча маъруза билан Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси А.Шодмонов сўзга чиқди.

Таъкидлаб ўтилдики, ҳисобот даврида Давлат бюджетни мамлакатимиз парламенти томонидан илгари тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилди. Давлатимиз раҳбари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил январь ойидаги мажлисида белгилаб берилган мамлакатимизнинг 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устуворликлари аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилганлиги иқтисодиётнинг барқарор ўсишини ва макро-иқтисодий барқарорлиқни таъминлади. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 8,8 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш — 6,8 фоиз, чакана товар айланиши 15 фоиздан зиёд, пуллик хизматлар ҳажми — 10,8 фоиз ўсди. Мамлакат бюджетни ҳисобот даврида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси

5,6 фоизни ташкил этди, яъни прогноз параметрлари доирасида бўлди.

Эришилган натижалар, депутатлар фикрича, иқтисодиётда ижобий таркибий силжишларга, сифат ўзгаришларига ва ижобий тенденцияларга, шунингдек, самарали пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсати ўтказилишига хизмат қилди, булар аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишига ёрдам берди.

Ўтган йили ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг турмуши сифати ва даражасини мутасил ошириш масалаларига ҳукумат томонидан катта эътибор қаратилди. Жумладан, 2015 йилда аҳоли жон бошига реал жами даромадлар 9,6 фоиз кўпайди, бюджет ташкилотлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар миқдори 21,9 фоиз ўсди.

► Давоми 2-бетда.

## ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

## «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги

қонун ҳаётга қандай татбиқ этиляпти?

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ЎХДП фракцияси янги таҳрирдаги қонун ижросини атрофлича муҳокама қилди.

Жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самардорлигини ошириш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтиришда парламент назоратининг ўрни ва аҳамияти катта. Шу маънода, «Парламент назорати тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Маълумки, мазкур қонунга кўра, сиёсий партиялар фракциялари парламент назоратини амалга оширишда фаол иштирок этади. Хусусан, қонуннинг 3-моддасида Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари парламент назорати субъектлари сифатида белгилаб қўйилган. 5-моддада эса қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторингнинг амалга ошириш парламент назоратининг шакллари билан бири экани қайд этилган.

► Давоми 2-бетда.

ЎХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши ташаббуси билан «Бугунги талаба — эртанги мутахассис» лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди. Унда 2-Республика тиббиёт коллежи битирувчилари билан тижорат банклари, солиқ тизими, бандликни таъминлаш масалаларида очиқ мулоқот ташкил қилинди. Мулоқот давомида мутахассислар ёшлар учун яратилган имтиёз ва имкониятлар тўғрисида атрофлича маълумот берди.

## «Бугунги талаба — эртанги мутахассис»

— Касб-ҳунар коллежларини тамомлаб, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, ёш кадрларнинг ишлаб кетиш кафолатини мустаҳкамлаш долзарб масала, — деди туман партия кенгаши раиси Ирода Абдуллаева.

— Шу босис мустақил ҳаётга қадам қўётган йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Хусусан, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича ҳокимлик ҳамда манфаатдор корхона ва идоралар билан биргаликда зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадбир давомида коллеж битирувчиларига меҳнат қонунчилигидаги ўзгаришлар, иш бериувчиларнинг мажбуриятлари ва ходимнинг меҳнат муҳофазаси бўйича тушунчалар берилди.

Зарифа НОРЧАЕВА



## АҲОЛИ БАНДЛИГИ —

долзарб масала

Фарғона вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида Меҳнат вазирлиги ҳамда вилоят меҳнат бошқармаси ҳамкорлигида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Бу ҳақда «Фарғона ҳақиқати» газетаси сайтида хабар берилган.

Анжумани онлайн тарзида Меҳнат вазири ўринбосари Баҳодир Низомов олиб борди.

Унда таъкидланишича, вилоятда жорий йилнинг ўтган 4 ойи давомида 27 минг иш ўрни яратилган.

Шунингдек, 290 фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишлари, хусусан, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, йўл қурилиши, мелiorация тармоқларини тиклашга жалб этилди. 276 фуқаро меҳнат бозорига талаб этилган мутахассисликлар бўйича таянч коллежларида касбга қайта тайёрлаш ва ўқитиш орқали ишга жойлаштирилди.

Йил бошидан буён бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш марказлари ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан 40 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Уларда 2103 корхона ва ташкилот 11730 бўш иш ўрни билан қатнашди.

## «КИТОБ ОЛАМИ»

маърифий мажмуаси иш бошлади

Матбуот ва ахборот агентлигининг расмий сайтида хабар берилишича, Урганч шаҳрида «Китоб олами» мажмуаси ўз фаолиятини бошлади. Унда 2 000 дан ортиқ номдаги, жами 25 000 донга китоб ва бошқа матбаа маҳсулотлари соҳиби бўлиб қўйилди. Мажмуанинг жами майдони 550 квадрат метрни ташкил этиб, у ерда болалар майдончаси ва «Book Cafe» фаолият юритади.

Энг муҳими, аҳоли барча наشرларни Тошкент шаҳридаги нархларда сотиб олиш имконига эга бўлди.

Савдо мажмуасининг очилиш маросимида Хоразм вилояти ҳокими Пулат Бобожонов ва Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Омонулло Юнусов қатнашди.

## «Дўстлик уйи» очилди

Жиззахда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивали доирасида янгидан қурилган «Дўстлик уйи»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Меҳмонлар муҳташам иншоотда 6 миллий маданий марказ учун яратилган шароитлар билан танишдилар.

Миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг йиғилиши ҳам шу бинода ўтказилди, дейилади Жиззах вилоят ҳокимлиги расмий сайти тарқатган хабарда.

АНДИЖОН ТУМАН КЕНГАШИ  
ТАШАББУСИ БИЛАН «ТИНЧЛИК — ОЛИЙ  
НЕЪМАТ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУХБАТИ  
БЎЛИБ ЎТДИ.

ПАЙАРИҚ ТУМАН КЕНГАШИ «ЧЎРОШ»  
ҚИШЛОҚ ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИДА «АЁЛЛАР  
СОҒЛИГИ — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ» ЛОЙИХАСИ  
ДОИРАСИДА ТАДБИР ЎТКАЗДИ.

ЯККАБОҒ ТУМАН КЕНГАШИ  
«ХИЁБОН» МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР  
ЙИГИНИДА «ТАРҒИБОТЧИ —  
МАҲАЛЛАДА» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА  
СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТДИ.

ОЛИЙ МАЖЛИС  
ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИДА

■ Депутатлар марказда ва жойларда бюджет маблағларининг самарали ҳамда мақсадли сарфланишини таъминлаш борасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг масъулиятини ошириш, шунингдек, Бюджет кодекси нормалари ва қоидаларининг ижроси устидан назоратни янада кучайтириш бўйича бир қатор тавсиялар билдирди.

# Депутатлар Давлат бюджетининг ижросини кўриб чиқди

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясидан сўзга чиққанлар ўтган йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари ҳукуматнинг диққат марказида бўлганини кайд этди. Ҳисобот даврида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш харажатларини Давлат бюджетидан молиялаштириш ҳажми умумий харажатлар ҳажмининг 58,8 фоизини ташкил этди.

Халқ демократик партияси депутатлари ўтган йилда ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларига ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва аниқ йўналтирилган ҳолда фойдаланилганлигини таъкидлади. 2015 йилда кадрларни қайта тайёрлаш, ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига жалб қилиш ва ишсизлик нафақаларини тўлаш йўли билан жамғарма маблағлари ҳисобидан 4,4 миллиард сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилган.

Айрим бюджет ташкилотларида ва бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда бюджет маблағларидан мақсадсиз ва самарасиз тарзда фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйлаётганлигидан келиб чиққан ҳолда, депутатлар марказда ва

жойларда бюджет маблағларининг самарали ҳамда мақсадли сарфланишини таъминлаш борасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг масъулиятини ошириш, шунингдек, Бюджет кодекси нормалари ва қоидаларининг ижроси устидан назоратни янада кучайтириш бўйича бир қатор тавсиялар билдирди.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Вазирилар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ҳақида тегишли қарор қабул қилди.

Куннинг иккинчи ярмида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев маъруза билан сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 январда Вазирилар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда бошланган тизимли демократик ислохотларнинг ва модернизациялашнинг, иқтисодиётдаги, биринчи навбатда, саноат ва қишлоқ ҳўжалигидаги чуқур таркибий



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

ўзгаришларнинг сўзсиз давом этирилиши, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг илдам ривожланиши ва ушбу соҳа субъектлари манфаатларининг ҳимоя қилиниши, макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворлиги бўлиши кераклиги кайд этиб ўтилди.

Мажлисида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳисобот давридаги ижроси Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси асосида Олий Мажлис ва давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ амалга оширилганлиги таъкидланди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди.

Иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминловчи стратегиянинг амалга оширилишини давом эттириш ва бунинг учун иқтисодиётнинг мажҳуд захиралари ва имкониятларини жалб этиш мамлакатимиз ЯИМининг 7,5

фоиз ошишини таъминлади. Бунда инфляциянинг паст даражаси макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 7 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 6,7 фоиз, хизматлар ҳажми — 12,1 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми — 12,8 фоиз ўсди.

Йил бошидан буён минтакаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурларини амалга ошириш доирасида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган 13 мингта яқка тартибдаги янги шинам уй-жойлар қурилиши бошланган.

Қўрилаётган тизимли чора-тадбирлар фақат ҳисобот даврида 8,4 мингтадан ортиқ ёки 2015 йилнинг шу давридагига қараганда 5,5 фоиз кўп янги кичик бизнес субъектларини ташкил этиш имконини берди. Кичик бизнес субъектларига ажратилган банк

кредитлари ҳажми 2015 йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан 1,3 баробар ошди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш натижасида 167,4 мингтадан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди, улардан 57,7 фоиз қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлашга, оналар ва болаларни тиббий парварши қилиш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тадбирлари фаол амалга оширилмоқда. Дастур тадбирларини молиялаштириш учун жорий йилнинг биринчи чорагида барча манбалар ҳисобидан қарийб 1,3 триллион сўм миқдорда маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқди. Депутатлар жорий йилда Давлат бюджети кўрсаткичларининг барча давлат ва ҳўжалик органлари томонидан сўзсиз ва аниқ ижро этилиши заруратини таъкидлаб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.  
(Материал қисқартирилган ҳолда берилмоқда)

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАЁТИДАН

### Миллий ғоя тарғиботи

ЎзХДП Жарқўрган туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган навбатдаги сиёсий ўқув фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда миллий ғоя тарғиботини кучайтириш масалаларига бағишланди. Унда партия фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатлар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар шунини алоҳида кайд этишдики, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқув-семинарлар самарадорлигини янада ошириш, бу борадаги ишларни тақомиллаштириш керак. Тадбирларда миллий ғоя тарғиботини кучайтириш, ёшларни мафқуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, улар қалбига Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини чуқур сингдиришга қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқиш муҳим вазифа экани таъкидланди.

Сиёсий ўқув машғулотларини кўпроқ олиш ҳудудларда ўтказиш, аҳолининг мамлакатимиз ҳаётидаги ўзгаришларга муносабатини ўрганиш юртимизни янада тараққий эттиришда, хусусан, партияимизнинг дастурий мақсадлари амалга оширишда долзарб масала экани айтиб ўтилди.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида партия ташкилотлари олдига турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

### Биз «оммавий маданият»га қаршимиз!

Олмалик шаҳар «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказида «Оммавий маданият»га қарши курашиш ижтимоий шериклик муносабатларини янада кучайтиришни талаб этади» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Олмалик шаҳар кенгаши масъуллари, халқ депутатлари Олмалик шаҳар Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатлар, бошлангич партия ташкилотлари раислари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Очик мулоқот тарзида ўтган тадбирда иштирокчилар йиғит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Шунингдек, партия ташкилотлари «оммавий маданият» таҳдидлари ва унинг салбий оқибатларининг олдини олиш, миллий маданиятимизни тарғиб этувчи интерфаол тадбирларни янада кўпайтириш кераклиги уқтириб ўтилди.

### Соғлом турмуш тарзи — фаровон ҳаёт гарови

Қува туманидаги «Янгиҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон ХДП Қува туман кенгаши томонидан ана шу шир остида ўтказилган акция баркамол авлоднинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни турли зарарли ғоя ва иллатлардан асрашга қаратилди.

Тадбирда жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал салоҳиятли авлодни воғға етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бериётгани таъкидланди.

Акция доирасида аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалаларига бағишланган суҳбатлар уюштирилди. Уларда ёшлар орасида тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, гўёҳанд моддалар истеъмол қилишга қарши курашиш муҳим вазифа экани кайд этилди.

Тадбир доирасида ёшлар ўртасида турли интерактив ўйинлар ташкил этилди.

Аброр ҚУРБОНОВ  
тайёрлади.

## ■ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

# «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги

## қонун ҳаётга қандай татбиқ этиляпти?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси янги таҳрирдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунни ҳаётга жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича муҳокама қилди. Фракция йиғилишида Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, олимлар ва соҳа мутахассислари иштирок этди.

Таъкидландики, жорий йил бошида қўлга кирган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан ҳукумат томонидан комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Унга кўра, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш, қонуности ҳужжатларига ушбу қонундан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунга мувофиқлаштириш каби вазифалар белгиланган. Айни пайтда ушбу чора-тадбирларнинг ижроси бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

са қилиб айтиш керакки, бу масалада камчиликлар йўқ эмас. Бундай дори воситаларининг манзилли тарқатилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш, айниқса, масъулият ва жавобдорликни ошириш керак, — дейди ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов. — Жойлардаги учрашувлар, сайловчилар, электрот вакиллари мурожаатлари дори воситалари нархларини мувофиқлаштиришда ҳамон камчиликлар учраб турганини кўрсатмоқ-

рирда қабул қилинган қонун ҳаётга қанчалик самарали жорий этилса, бу борадаги муаммолар шунчалик қамаяди.

Шунингдек, йиғилишда фракция аъзолари жисмоний шахслар томонидан дори воситалари ва тиббий буюмларни шахсий қўллаш учун олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низом, дори воситалари хавфсизлиги тўғрисидаги ҳамда тиббий буюмлар, тиббий техниканинг хавфсизлиги тўғрисидаги

Маълумки, бепул тарқатиладиган дори воситалари учун ҳар йили Давлат бюджетидан зарур маблағ ажратилади. Аммо айрим мурожаатлар мазмунидан хулоса қилиб айтиш керакки, бу масалада камчиликлар йўқ эмас.

Бир хил турдаги дориларнинг дорихоналардаги нархлари ўртасида сезиларли тафовут борлиги тўғрисида мурожаатлар бўляпти. Янги таҳ-

умумий техник регламентларни тасдиқлаш юзасидан зарур чоралар кўриш бўйича таклиф ва тавсиялар билдиришди.



ЎзХДП Сайловолди дастурида аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш бўйича белгиланган масалалардан келиб чиқиб, қонун ижроси юзасидан қилинаётган ишлар, соҳадаги ўзгаришлар ҳақида сайловчиларни мунтазам хабардор этиб бориш лозимлиги таъкидланди.

Гулрух ОДАШБОВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОГОҲЛИК —  
ДАВР ТАЛАБИ!

■ «Тинч-осойишта ҳаёт, барқарорликнинг энг муҳим шарти шуки, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, доимо огоҳ, ҳар томонлама сезгир ва уйғоқ бўлиш, тарихдан, ҳаётдан хулоса чиқариб яшаш керак».

## Уруш ва Тинчлик



Бу дунёга келган инсон зоти борки, миллати, ирқи, диний эътиқодидан қатъи назар, тинч, хотиржам, бахтли яшашни, оила қуришни, фарзандларини тарбиялаб, вояга етказишни, уларнинг орзу-ҳавасини қўришни ният қилади. Афсуски, баъзан турли табиий офатлар, фалокатлар инсонга огир мусибатлар келтиради, ҳаётига зомин бўлади.

Аммо жаҳон тарихининг оқ-қора саҳифаларига назар ташланса, энг огир талафот ва кулфатларни катта-кичик урушлар келтирганига гувоҳ бўламиз. Ер юзиде шу кунгача бўлиб ўтган урушлар оқибатида миллион-миллион одамлар ҳалок бўлган, қанчалаб қишлоқ-шаҳарларнинг кули қўкка соврилган. Уруш ҳеч қачон инсониятга яхшилик келтирмаган. У ўз номи билан уруш, қон тўкилади, вайронагарчиликлар, бахтсизликлар ва фожиалар содир бўлади. Уруш қандай кулфатлар келтиришини ҳалқимиз жуда яхши билади.

Яқинда 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан Президентимиз Ислам Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган суҳбатда инсоният тарихидаги энг муҳим ва бешафқат уруш — Иккинчи жаҳон уруши ҳалқимиз бошига огир кулфатлар солганини яна бир бор таъкидлаб, унда 500 мингдан кўпроқ ҳаюмюртимиз ҳалок бўлгани, яна қанча-қанчаси ногирон бўлиб қайтганини изтироб билан гапириб, ҳалқимиз бизга тинчлик, омонлик керак, деган фикр билан яшашини, ўзбек халқи тинчликнинг моҳияти ва аҳамиятини, қадрини тегис равиш билан баён этди.

Дарҳақиқат, ҳалқимиз яхши билади, уруш одамлар бошига фалокатлар ёғдириди, бегуноҳ инсонлар, болалар, кексаларнинг қони тўкилади, инсон ҳаёти, қадрини оёқ-ости қилади, вайронагарчилик, очарчиликни келтириб чиқаради. Мамлакат, миллат тараққиётдан орқада қолади, иқтисодий, сиёсий қарамликка юз тутади... Буни узоқ ва яқин давлатларда шу кунларда бўлаётган воқеалар ҳам кўрсатмоқда.

Тинчлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик бор жойда эса тараққиёт бўлади, бунёдкорлик бўлади, давлатнинг иқтисодий қудрати ошиб, аҳоли турмуши тобора юксалиб боради. Бу ҳақиқатни ўз ҳаёти-миз мисолида кўриб, билиб турибмиз.

Бугун биз истиқлол йилларида эришилган барча ютуқларимиз бош омили тинчлигимиз эканини ифтихор билан айтаемиз. Аммо мустақиллик йиллари биз учун осон кечгани йўқ. Бизни йўлдан уринганлар кўп бўлди. Бизни ҳам урушга тортиш мақсадида фитналар уюштирилди. Мустақиллигимизга бир йил тўлар-тўлмас турли бузғунчи кучлар, амалидан ажралган аламзадалар, сохта шуҳратпарастлар бош кўтариб, вақтинча юзага келган ижтимоий муаммоларни қурол қилиб, жамоатчилик ўртасида ваҳима туғдиришга ҳаракат қилишди, иғво тарқатишди. Ўша таҳликали, қатгис вазиятда биргина нотўғри қарор, ҳатто чуқур ўйланмай айтилган бир огиз сўз ҳам қон тўкилишига олиб келиши мумкин эди.

Тинчлик билан уруш ораси бир қалам бўлиб турган ана шундай таҳликали бир шароитда, Юртбошимиз Ислам Каримов халққа мурожаат қилиб, илтижо қилди. «Президент бўлсам ҳам, сиздан тиз чўкиб сўрайман, илтимос қиламан», дея ёвуз кучлар таъсирига берилмасликка, низо чиқармасликка, тинчлигимизни асрашга барчамизни даъват этди. Катта дард, изтироб

билан айтилган бу сўзлар халқимизни ҳаяжонга солди, қалбидан чуқур жой олди.

Тарихдан маълумки, бир иғво ёки фитна орқали урушлар бошланиб кетган. Уруш бошлаш учун ақл керак бўлмайди. Лекин тинчликни асраш осон иш эмас, бунинг учун доно сиёсат, юксак маънавият ва чинакам жасорат талаб этилади. Ўтган 25 йиллик мустақил ҳаёт йўлимиз давомида неча бор нафақат Ўзбекистон, балки минтақамиз уруш домидан асраб қолинди, минг-минглаб одамлар ҳаёти сақлаб қолинди.

**Уруш ва тинчлик!** Бу икки сўз бир-бирига мутлақо зид бўлган икки таъриф. Улар бир-бирини инкор этади, худди тун билан кундек, ёруғлик билан зулматдек бир-бири билан курашади. Уларни алоҳида-алоҳида олиб, қиёфасига, мазмун-моҳиятига, мақсадига қараб фикрлайдиган бўлсак, аниқроқ хулосага келамиз.

**Уруш — ўлим дегани.** Бу сўздек совуқ сўз дунёда йўқ. Уруш — жаҳолат, ёвузлик... Одамлар урушдан тортиган азоб-уқубат, алам-изтиробларнинг тўла тасвирлашга қўғоз, қалам етмайди. Осмонни дафтар қилиб ёзганда ҳам уруш даҳшатларини тўлалигича сийдиришининг имкони йўқ.

**Урушнинг қиёфасини ким тўлиқ тасвирлаб бера олади?** Ҳеч ким. Урушнинг қиёфаси қанақа ўзи, ранги қанақа? Вайронага айланган шаҳарлар, ёниб қолган қишлоқлар, дарё бўлиб оққан қонлар, беҳисоб мурдаларми?.. Етим қолган болаларнинг мўлтираган кўзларими, онанинг жасди устида йиғлаётган болаи, ўқ тилка-пора қилган боласини бағрига босиб фарёд қилаётган онаи, отаи?.. Ёки бир кунлик, бир ҳафталик бахтдан сўнг тул қолган минг-минглаб келинчақларнинг абадий армонларими?.. Ёлғиз ўғлининг ҳалок бўлганлиги ҳақида қора хат олган ота ва онанинг эрта оқарган сочларими, ғам, аза кўланкаси мангу муҳрланган чехрасими?..

**Урушдан мақсад нима?** Ўзидан кучсиз бўлган давлатларни босиб олиб, қарам қилиш, қул қилиш, унинг ер ости, ер усти бойликларига хўжайинлик қилиш.

**Урушни чиқарувчилар кимлар?** Миллатчилар, шовинистлар, экстремистлар, террорчилар, фашистлар, очкўзлар, манфаатпарастлар... Дунёга ҳукмронлик қилишдек ғайритабиий ғоялар билан нафас олаётганлар...

Демак, аввало, урушни келтириб чиқарадиган ёвуз кучлар томирини кесиш керак, улардан доим огоҳ бўлиш керак. Бузғунчи кучлар ўз қиёфасини тез-тез ўзгартириб туради, баъзан қиёфасиз ҳаракат қилади, ҳатто қуй, қўшиқ, мультфильм бўлиб оstonанг, хонадонингда пайдо бўлади. Ҳатто ер остидан, сув остидан, ҳаводан кириб келади, мулойим, беозор, хушомадгўй бўлиб келади. «Эркинлик», «Оммавий маданият», баъзан «Демократик жағмарма» каби сохта номлар билан кириб келади. Гўё ҳамдард дўстдек кириб келади, ёрдам бермоқчидек бўлиб келади. Президентимиз айтаяпти, оқ билан қорани ажрати олиш, соддалик қилмаслик, доим хушёр, огоҳ бўлиш бугунги ҳаётнинг талаби. Бефарқлик, лоқайдлик,

огир оқибатларга олиб келади. Ўз уйимизни, тинчлигимизни ўзимиз асрашимиз керак.

Бугунги ҳавф-хатарли, таҳликали дунёда тинчликни ҳимоя қилишдан кўра муҳимроқ, улғувроқ вазифа йўқ. Жаҳондаги катта-катта мамлакатлар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам турли таҳдидлардан ташвишга тушиб қолгани сир эмас.

Ўзбек халқининг ягона мақсади тинчлик, омонлик. Ана шу улғу мақсаднинг ўзи халқимиздан балоқазони узоқлаштиради. Давлатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсати ҳам ана шу ғоялар асосида белгилаб олинган. Бу сиёсатни Президентимиз Хотира ва қадрлаш кўни олдидан яна бир бор оламга маълум қилди.

Биринчидан — Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий блокларга қўшилмайди. Ҳарбий блокларга қўшилиш, ҳарбий ҳаракатларга қўшилиб кетишга олиб келади. Иккинчидан — Ўзбекистон ҳудудига чет давлатлар ҳарбий базалари жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Қайси давлат бўлишидан қатъи назар, унинг ҳарбий базаси юртимизда жойлаштирилса, ўша давлатга душман бўлган мамлакатлар ҳарбий кучлари маълум даражада бўлса-да, Ўзбекистон томонга қаратилди. Биз бундай муаммоларни, йўқ жойдан ҳавф-хатар орттиришни мутлақо хоҳламаймиз.

Ташқи сиёсатимизнинг яна бир муҳим жиҳати, ҳарбий хизматчиларимизнинг Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлишига йўл қўймаслик. Бунинг маъно-мақсади шуки, Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмайди. Қуролли Кучларимизнинг бош мақсади — чегараларимиз дахлсизлиги, она Ватанимиз тинчлигини ҳимоя этишдан иборат. Қонун билан мустаҳкамланган бу сиёсатта Ўзбекистон изчил амал қилиб келмоқда. Ҳар қандай можарони, урушни ҳарбий йўллар билан эмас, балки музокаралар йўли билан ҳал этиш тарафдори эканлигини амалда намойён этмоқда.

Бугун дунёда қарама-қаршиликлар тобора кескинлашиб бораётган, ўта таҳликали, мураккаб бир шароитда ташқи сиёсатда энг тўғри, мақбул йўлни топиш, узоқ-яқин бўлган давлатлар билан тил топиш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш тинчлигимизни асрашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқимизнинг аҳилиги, бағрикенглиги, ўз мустақил фикрига, қарашларига эгалиги, дунё воқеаларига бефарқ эмаслиги, дахлдорлик туйғуси билан яшаётгани, тегишли хулосалар чиқариб олаётгани, давлатимиз ташқи сиёсатини яқдллик билан қўллаб-қувватлаётгани тинчлигимизни мустаҳкамлашда асосий омил бўлмоқда.

**Тинчлик нима ўзи? Унинг ранги, қиёфаси қанақа?**

Тинчлик — аввало, оналарнинг алласи, болаларнинг кулгуси дегани, ҳаёт дегани, орзу-ҳавас дегани, тўй-томоша дегани, бунёдкорлик, тараққиёт, обод турмуш дегани. Бахт-саодат дегани.

Бу бебаҳо бойлиқни асраш учун жону жаҳонингни бағишласан ҳам камлик қилади!

Сафар ОСТОНОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



БИЗГА ТИНЧЛИК КЕРАК, ОМОНЛИК КЕРАК. МИЛЛИЙ ҒОЯМИЗ, МАФКУРАМИЗ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҲАР ҚАНДАЙ БУЗҒУНЧИ КУЧЛАРНИ ЕНГИШ, БАРТАРАФ ЭТИШ ҚУДРАТИГА ЭГА.



## Юртимизда Европа киноси фестивали ўтказилди

Мазкур фестиваль «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳамда Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги киносаройда IV Европа киноси фестивалининг тантанали очилиш маросимида «Ўзбекино» Миллий агентлиги бош директори Отабек Мусаев, Европа Иттифоқининг юртимиздаги делегацияси раиси Юрий Штерк иштирок этди, дея хабар қилади агентликнинг матбуот хизмати.

Мазкур фестивалда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар, жумладан, Австрия, Болгария, Буюк Британия, Германия, Греция, Латвия, Португалия, Словакия, Словения, Франция, Финляндия, Швейцария ва Чехия давлатлари киноижодкорлари томонидан яратилган жами 17 фильм намойиш этилди.

## Тошкент хайвонот боғи тўлиқ реконструкция қилинади

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016-2020 йиллар даврида Тошкент хайвонот боғини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди, деб ёздаи «Газета.uz».

Хўжат Тошкент хайвонот боғини замонавий маданий-томоша ва илмий-маърифий давлат муассасаси сифатида ривожлантириш, унинг коллекциясини ноёб ва экзотик хайвонлар билан тўлдирish, шунингдек, хайвонларни сақлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди.

Қарорда хайвонот боғи ҳудудида юқори технологияли «Аквариум» қуриш ва денгиз жониворлари ва бақиклардан иборат экспозиция яратиш; фаунистик тадқиқотларни ривожлантириш учун замонавий илмий мажмуа, шунингдек, зоология ва зоомухандислик лабораториялари барпо этиш, ветеринария шифонасининг техник базасини мустаҳкамлаш ва замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш назарда тутилган.

Шунингдек, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида Тошкент хайвонот боғининг филиалларини қуриш ҳамда Термиз шаҳри хайвонот боғини реконструкция қилиш ҳам кўзда тутилган.

## Ҳаммаси болажонлар учун

Мамлакатимизда болажонларнинг ёзги таътилини мароқли ва мазмунли ўтказиш давлат ва жамият олдидаги долзарб вазифалардан бирига айланган.

Соғлом она ва бола йилида ҳам бу борада кенг миқёсли ишлар амалга оширилиб, юртимиздаги жами оромгоҳлар мавсумга шай қилиб қўйилди. Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси маълумотига кўра, бу йил ўтган йилдагига нисбатан 55 та кўп, жами 1 минг 204 болажонларни соғломлаштириш масканлари фаолият кўрсатади. Шундан 213 таси стационар, 851 таси кундузги, 140 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳларидир.

Стационар ва кундузги оромгоҳларда 292 мингдан зиёд ўғил-қизлар хордиқ чиқаради.

## МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

# «ҲАР БИР БОЛАГА МЕҲР-ЭЪТИБОР»

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан мамлакатимизда ана шу шиор остида ўтказилаётган махсус ўн кўнлик доирасида Ўзбекистон Бадиий Академияси марказий кўргазмалар залида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида «Ер кўрасида тинчлик» Республика расмлар кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди.



профессионал рассомлардан ташкил топган ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

Танлов 3-6 ёшгача, 7-11 ёшгача ва 8-15 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилиб, шундан тўққиз нафар голиб ва етти нафар турли номинациялар голиблари аниқланди.

— Жуда ҳаяжонли дақиқаларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз, — дейди ҳакамлар ҳайъати раиси, Ўзбекистон Бадиий Академияси ижодий уюшмаси аъзоси Эътибор Мирзаназарова. — Бу тадбир болажонларимиз хотирасида бир умр сақланиб қолади. Улар чизган ҳар бир суратнинг ўз олами бор. Бу суратларда беғуборлик, борлиқни болаларча самимий идрок этиш туйғулари уфуриб туради.

Самарқанд вилояти «Баркамол авлод» болалар маркази қатнашчиси, уч ёшли ҳажжигина Даниел Очиллов ўзи чизган суратлари билан «Энг ёш иштирокчи» номинацияси голиби бўлди. Жиззах вилояти, Дўстлик туманидан олти ёшли Ёзозода Баҳромқулова, Тошкент шаҳри, Яшнобод туманидаги 69-умумтаълим мактабининг ўқувчиси, 11 ёшли Лайло Қўчқорова, Хоразм вилояти, Урганч туманидаги 36-умумтаълим мактабининг ўқувчиси, 13 ёшли Муҳлис Курбонова биринчи ўринга сазовор бўлди.

Тадбир доирасида 2015-2016 йилларда Париж ва Пекин шаҳарларида ўтказилган болалар ва ўсмирлар халқаро фестивалида голибликни қўлга киритган 14 ёшли Камила

Сағатованинг чизган суратлари намойиши ҳамда иқтидорли рассомни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Камила меннинг неварам бўлади, — дейди қувончи ичига сиғмай ИИБ фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари Мирзаим Сағатов. — Ёш авлодга давлатимиз томонидан шунчалик эътибор берилган, кенг имкониятлар яратилган, жуда хурсандман. Бунинг учун Президентимиздан миннатдоримиз. Юртимиз тинч-фаровонлиги, осмонимиз мусоффолиги болажонларимиз чизган суратларда акс этаётганини кўриб жуда ҳаяжонландим. Халқимиз, болажонларимиз бахтига тинчлигимиз ҳаммиса барқарор, истиқлолимиз абадий бўлсин.

— Мазкур танловдаги ижод

намуналарида асосан юрт тинчлиги, Ватан равнақи, келажак ҳақидаги тасаввур ва ташушчалар акс этирилган, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди матбуот котиби Аббос Эргашев.

«Хар бир болага меҳр-эътибор» шиори остида ўтказилаётган ўн кўнлик доирасида бундан ташқари, яна бир қатор тадбирлар режалаштирилган.

Бугун Тошкент ва Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳрида жойлашган Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, юрт осойишталиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларидан иборат минг нафарга яқин бола учун «Тошкент — Ленд» болалар истироҳат боғида хайрия тадбири ўтказилди.

Хайрия фондимиз Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Халқ таълими вазирликлари, ҳокимликлар, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида ана шундай тадбирларни амалга оширяпти.

Тақдирлаш маросимида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди раиси Светлана Иномова ҳамда Халқ таълими вазирлиги ўринбосари Дилшод Кенжаев голибларга диплом ва совғалар топширди.

Тадбирда «Ором» болалар ашула ва рақс гуруҳи ҳамда республика иxtисослаштирилган мусика академик лицейи оркестр жамоаларининг концерт дастури намойиш этилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## ШОҲМОТ

Пойтахтимизда шохмат бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида XV Осиё чемпионати қизғин давом этмокда.

## Олтинчи турдан сўнг

Нуфузли мусобақада йигирмадан ортиқ давлатдан икки юзга яқин шохмат устаси голиблик учун ўзаро донда суришяпти.

Швейцарча тизимда давом этаётган бахсларда Рустам Қосимжонов, Марат Жумаев, Жаҳонгир Воҳидов, Темур Игонин, Нодирбек Ёқубов, Жаҳонгир Синдор, Нодирбек Абдусатторов, Меҳридин Йўлдошев, Музаффаржон Эминжонов, Акмал Файзуллаев, Гулрухбегим Тохиржонов, Нодира Нодиржонов, Баҳора Абдусатторова, Ситора Сапарова сингари истеъдод соҳиблари юртимиз шарафини ҳимоя қилмокда.



Хозиргача эркаклар ўртасида якунланган олтинчи тур учрашувларидан сўнг, вьетнамлик Ён Куанг Лиен ҳамда хитойлик Вей Ю бир хил — бештадан очко жамғариб, пешкада бўлиб туришяпти. Ҳамюртларимиз тажрибали гроссмейстер Рустам Қосимжонов ҳамда умидли шохматчимиз Жаҳонгир Воҳидовлар ҳисобида эса 4,5 тадан очко бор.

Ўн еттинчи жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов аввали турларда Ноаман Омар (БАА), Алиризо Фирозия (Эрон), Бабу Лалит (Ҳиндистон) устидан ғалаба қозонди ҳамда Баярсайхан Гундава (Мўғулистон) ва Сурия Шехар Хангули (Ҳиндистон) билан дуранг ўйнади.

Кеча олтинчи турда Қосимжонов оқ доналар билан хитойлик Ён Венга қарши дуранг ўйнаган бўлса, Воҳидов яна бир вақилимиз Акмал Файзуллаев билан куч синашди. Унда Жаҳонгир қора доналар билан ўйнашига қарамай, ғалаба қозонди.

Аёллар ўртасидаги бахслар ҳам мurosасиз давом этипти. Унда ҳозирча олти имкониятдан 5,5 очко тўплаган Ҳиндистонлик Кулкарни Бхакти яқка пешқадамлик қилмокда. Кеча олтинчи турда истеъдодли шохматчимиз Гулрухбегим Тохиржонов айнан Бхактига қарши донда сурди ва учрашув дуранг билан якунланди — 0,5:0,5.

Хозиргача ўтказилган олти партияда уч ғалаба ва уч дурангга эришган Гулрухбегим Тохиржонов, Динара Саидвақсоева (Қозғистон), Ли Куанг (Хитой) бир хил — 4,5 очко жамғарган.

Ўз мухбиримиз.

| БУГУН                                                                                                                                             | Об-ҳаво<br>маълумоти | (°C) |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|------|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти                                                                                                    | +28/+17              |      |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари                                                                                                                       | +35/+23              |      |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари                                                                                                    | +34/+18              |      |
| Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари                                                                                                                  | +39/+25              |      |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари                                                                                                             | +33/+18              |      |
| Тошкент шаҳри                                                                                                                                     | +33/+22              |      |
| Навоий кон-металлургия комбинати давлат қорхонаси жамоаси комбинатнинг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Шухрат Саттаровга акаси |                      |      |
| <b>Бахтиёр САТТАРОВ</b> нинг вафоти муносабати билан қўқур таъзия изҳор этади.                                                                    |                      |      |

## ФУТБОЛ

## «Пахтакор»нинг учинчи мағлубияти

Футбол бўйича Ўзбекистон XXV миллий чемпионати олий лига учрашувлари ҳар қачонгидан-да кескин ва қизиқарли ўтмокда. Ўчинчи тур бахслари қутилмаган натижаларга бой бўлганлиги билан муҳлислар ёдида қолди.

Турнинг марказий учрашувларидан бири Қаршида «Насаф» — «Бунёдкор» жамоалари ўртасида кечди. Гарчи, унда дастлаб меҳмонлар ҳужумчиси Шаҳзодбек Нурматов 51-дақиқада ҳисобни очган бўлса-да, орадан ўн тўрт дақиқа ўтиб, Эркин Бойдуллаев киритган гол эвазига қаршиликлар мағлубиятдан қутулиб қолди — 1:1.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Пахтакор» бу йил барқарор ўйин намойиш эта олмаяпти. Мазкур турда пахтакорчилар қутилмаганда ўз майдонида Фарғонанинг «Нефтчи» вакилларига имкониятни бой берди — 1:2.

Олий лига дебютанти пойтахтнинг «Обод» жамоаси ниҳоят ўзини турга келиб, мавсумдаги илк ғалабага эришди. Тошкентдаги «Жар» стадионида Жиззахнинг «Сўғдиёна» футболчиларини 2:1 ҳисобида енгди.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан якунланди: «Андижон» — «Шўртан» — 1:3, «Олмалик» — «Машъал» — 1:0, «Қизилқум» — «Металлург» — 1:1, «Бухоро» — «Навбахор» — 3:2, «Қўқон-1912» — «Локомотив» — 1:3.

Ўн биринчи тур бахслари 10-11 июнь кўнлари бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## РЕКЛАМА

## ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³. ► Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³. ► Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.

Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

## МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

## TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV  
Hotamjon KETMONOV  
Ulug'bek VAFOYEV  
Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV  
Muslihidin MUHIDDINOV  
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV  
Farrux HAMROYEV  
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:  
100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonamanzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659  
14219  
nuxxada  
bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'za yakuni — 20:55  
Topshirilgan vaqti — 00:55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:  
Zafar BAKIROV  
Behzod ABDUNOZAROV

ISSN 2010-7433

7 7 2 0 1 0 7 4 3 3 0 0 6

1 2 3 4 5



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI